

ТАРБИЯ ҲАЁТ МАСАЛАСИДИР

Бахшиллоева Сабинабону Сайджон қизи

БухДПИ I босқич талабаси

Аннотация:

Ушбу мақолада болаларни мактабга тайёрлаш ва тарбиянинг омиллари, боланинг жисмоний ва ақлий ривожлантириш масаласи илмий-назарий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Тафаккур, хотира, тасаввур, ҳис-туйғу, ирода, тарбиянинг мазмуни, характер, услугб, ташкилий шакл, қобилятни ривожлантириш, маъсулият, ҳақгўйлик, инсонийлик, фуқаролик ҳиссиётлари ва ҳоказо.

Инсоннинг воқеликни белгиловчи ҳамда унинг хулк-атворини бошқарувчи психиканинг конуниятлари ва механизмлари тўғрисидаги фан бўлган умумий психология инсоннинг ривожланиши, тарбияланиши ва атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлари жараёнида шаклланадиган ҳолат ва хислатларни (тафаккур, хотира, тасаввур, ҳис-туйғу, ирода ва ҳакозо) тадқиқ қиласди. Таълим-тарбиянинг мазмуни, характеристи, услугби, ташкилий шакли ва шарт-шароитлари турлича бўлиб, улар боланинг жисмоний ва ақлий ривожланишига мос бўлиши зарур.

Бошлангич мактабнинг 1-синфида ўқитиш тартибининг ўзига хос томони, бола мактаб остонасига қадам қўйгунга қадар физиологик системалари, жисмоний ва руҳий ҳолати маълум даражада ривожланган бўлиши керак. Бу болага мактаб зиммасига қўяётган талабларни уддалашда ёрдам беради. Мактабга етарлича тайёр бўлмаслик кўпинча организм умумий ривожланишининг орқада қолишига эмас, балки ўқув фаолияти жараёнида зўриқишига учрайдиган функция ва системаларнинг етарлича ривожланмаслигига боғлиқ. Шу ўринда кўпчилик болаларнинг эндинина болалар боғчасидан чиқиб келганлигини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Чунки, бу вақтга келиб болаларда маълум динамик стереотип пайдо бўлади ва уни ўзгартириш болалар учун анча қийинчиллик туғдиради. Бундан ташқари, бутун дарс фақат битта фаолиятга боғланиб қолмасдан, уни ранг-баранг, қизиқарли сұхбатлар билан алмаштириб туриш зарур. Баъзи дарсларда бундай кичик танаффуслар узокроқ муддатга чўзилиши ва жисмоний машқ дақиқалар тарзида ўтказилиши мумкин. Жисмоний машқ дақиқалари ёзма ишлар ёки шунга ўхшаш узок давом этадиган машғулотлардан сўнг ҳамма ўқувчиларнинг диққати бузилган ёки аксинча, яъни безовта бўлган, иш қобиляти сусайган вақтда ўтказилиши бирмунча мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, дарс жараёнини турлича бошқариб бориш, бир хилдаги юкламаларнинг давомийлигини кисқартириш ўқувчиларнинг бир турдаги фаолиятдан иккинчисига ўтиши, ўқитишнинг

кўргазмали усулларидан фойдаланиш, ижобий эмоциялар яратиш болаларни қизиқтириб қўяди, қўпроқ иш қобилиятини сақлаш учун шароит яратади, толиқишини камайтиради ва уни бартараф этади, шунингдек айни вақтда асаб системасининг меъёрий ишлашига ҳамда таълим самарадорлиги ошишига имкон беради. Инсон, унинг хар томонлама уйгун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини руёбга чикиришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-авторнинг андозаларини узгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий максади ва харакатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интелектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир. Мактабга ахлоқий-иродавий тайёрликнинг бошқа муҳим таркибий кисми боланинг катта ёшлилар ва тенгкурлари билан ўзаро муносабатларини қоидаларга мувофиқ ташкил эта билишdir. Тажрибанинг кўрсатишича мактабдаги ўкиш шароитларига мослашиш олдинги йилларда болаларда «жамоатчилик» сифатлари: дўстларга нисбатан хайрихox, хурмат билан муносабатда бўлиш, ташкилотчилик қўнималари, хушмуомалалик, гамхурлик билдириш, узаро ёрдамга хозирликнинг қанчалик мувоффақиятли шакллантирилганлигини бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Бола хулқ-аворида жамоачилик ҳисларида бундай мажмуининг мавжудлиги уни мактабга ахлоқий тайёргарлигининг курсаткичи була олади ва янги жамоада тенгкурлари билан муомалада кўтаринки ижобий рухни юзага келтиради.

Мактабга ахлоқий-иродавий тайёрлик, шунингдек, ахлоқий ҳиссиёт ва бола онги ривожининг муаян даражаси билан хам ифодаланади. Бу уринда энг ибратлиси болаларнинг ахлоқий хулқ-авторининг ижтимоий аҳамиятини тушунарли уларда ўз ҳатти ҳаракатларини мустақил баҳолаш қобилятини ривожлантириш, маъсулият, ҳақгўйлик, инсонийлик ва фуқаролик ҳиссиётлари элементларини шакллантиришdir. Ахлоқий-иродавий тайёрлик таркиби мактабгача тарбия ёшидаги боланинг меҳнатга муносабатини ифодаловчи сифатлар мажмуи ҳам киради. Бу меҳнат килиш иштиёқи, атрофдагилар меҳнатига хурмат, зарур меҳнат малакаларини эгаллашdir.

Болалар тарбиясидаги мунтазамлик ва изчилликнинг асосий шарти оила ва болалар богчаси уртасида мунтазам алока урнатишидир. Бола тарбиясида оиланинг барча аъзоларидан нафакат болаларга нисбатан тугри муносабатни, балки уларнинг такдири учун юксак маъсулият хиссини хам талаб килувчи кийин ва мураккаб ишdir. Оилада тарбияни хар томонлама, жумладан маънавий, ахлоқий, аклий, эстетик, жисмоний ва меҳнат тарбияларини биргаликда олиб бориш яхши самара беради. *Маънавий тарбияни* болага утмишда Ватан равнаки, эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги йулида курашган халқ қаҳрамонлари хакида гапириб бериш, давлатимизнинг рамзий белгилари

билин таништириш, мустакиллик, Ватан хакидаги шеър ва күшикларни ёд олдириш, кадрият ва аньаналаримизни ургатиш оркали сингдириш мумкин. Оилавий тарбия жараёнида шахснинг бир катор *ахлокий* жихатлари шаклланади-ки, бошка хеч кайси тарбия объекти оиласидек юкори натижа бермайди. Уларга инсонпарварлик, меҳрурувват, раҳм-шафкат, ҳамдардлик, муомала маданияти, бурчи ва садокат миннатдорчилик каби инсоний фазилатлар туради. Келажак авлодга *эстетик тарбия* беришда ҳам оиласинг мухим урни бор. Оила даврасида қўшиқлар куйланиши, бирор эртак ёки асарни оила даврасида ўкиш, бирга спектакл ва кино кўриш ва таҳлил килиш, кийиниш маданиятини шакллантириш, уйда гуллар парвариш килиш, расм солиши ва хакозолар болани эстетик тарбиясини шакллантиришдаги жихатлардир.

Ота-оналар вояга етаётган фарзандларининг *жисмоний* баркамоллигига ўта маъсулият билан карашлари лозим. Масалан: эрталабки бадан тарбия машкларини болалар билан биргаликда бажариш, тўғри ва витаминлаштирилган овкат бериш, дам олишни, уйкуни тўғри ташкил этиш вактида шифокор назоратидан ўтказишлари зарур. Бола ҳаётида *мехнат тарбияси* мухим саналади. Болаларни меҳнатга мухаббат руҳида тарбиялаш, уларда меҳнат килиш одобини шакллантириш ва куникмалар хосил килишда, уларнинг кизикишлари хисобга олингандагина эришилади. Ота-оналар болани мактабга тайёрлашда унда меҳнат куникма ва малакаларини хосил килишга, меҳнатга эхтиёжни тарбиялашга, бошкаларнинг меҳнатини кадрлашга, меҳнат натижаларини эхтиёт килишга ургатишга жиддий эътибор беришлари лозим. Меҳнат болаларда уюшколик, диккат, саронжом-саришталикни тарбиялаш, шунингдек, максадга эришишда сабот ва матонат каби ирода хусусиятларини ривожлантириш воситасидир. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни оиласа тарбиялашни, ота-оналар билан ҳамкорликни бундан кейин янада такомилиштириш йулларини излаб топиш оиласий тарбиянинг ижтимоий тарбия билан алокасини мустахкамлаш мактабгача тарбия муассасалари ходимлари педагогик омиллар, бу соҳада илмий иш олиб борувчи тадқикотчилар ва услубчиларнинг мухим вазифасидир. Болаларни тарбиялашда давлат аҳамиятидаги вазифадир. Унинг тугри ҳал килиниши тарбия ишининг куйилишига комплекс ёндошишга тарбиявий муассасаларнинг, оила ва жамиятчиликнинг тулиқ уз аро таъсири ва харакатларнинг бирлигига bogлиq.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига утиши хмиша унинг ҳаёти, ахлоки, кизикиши ва муносабталарида анчайин жиддий узгаришларни юзага чикаради. Шунинг учун болани багчадаёк ёки уйдаёк мактаб таълимига тайёрлаш, уни унча кийин булмаган билим, тушунча, куникма ва малакалар билан таништириш лозим. Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячилар томонидан утказиладиган машугулотлар жараёнида болаларда мустакил фикрлаш куникма ва малакалари хосил килинади, тарбиячининг сузини тинглаш, уртоклари билан гаплашмаслик, хар бир тарбиячи томонидан берилган саволларга жавоб беришга харакат килиш, тарбиячи

томонидан айтилган фикрлакни тақорлашга ургатиб борилади. Хар бир ёш гурухларда канча машгулот утказиш болалар боғчаси таълим-тарбия дастурида белгилаб куйилган. Хар бир боғчада методик хоналар мавжуд булиб, унда болалар боғчасида таълим-тарбия дастурининг хамма билимлари буйича методик кулламалар булади. Етишмовчиликларни яъни методик жихатдан, тарбиячи узи тайёрлайди ва бу ишга баъзан тайёрлов гурухидаги болаларни жалб этади. Тарбиячи машгулотлар жараёнида янги педагогик технология материалларидан ва тарбиянинг самарали метод ва усулларидан фойдалана, болани ёш, руҳий-физиологик хусусиятлари инобатга олинса тарбия беришнинг самарадорлиги ошади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш зарурки, давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳаларда туб ислоҳотларни олиб борди. Хусусан таълим соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилди. «Таълим тугрисида»ги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълим соҳасидаги бошқа конунлар бунинг яккол далилидир. Булардан кўзланган мақсад ёки давлатимизга керакли булган етук, хар томонлама камол топган баркамол шахсни тарбиялаш ва уларни жамиятда ўз ўрнини топишга имкониятлар яратиб беришдан иборат қилиб қўйилган. Албатта, бу хайрли ишларни таълим-тарбияни биринчи бугини бўлган оила, мактабгача таълим муассасасидан олиб бориш мақсадга мувофиқдир деб кўрсатиб ўтилган. Шундай экан, биз биринчи навбатда мактабгача таълим тизимиға эътибор беришимиз, уларни етук малакали мутахассислар билан бойитишимиз зарурдир. Тарбияланётган болаларни хар томонлама билимли одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаш бизнинг олий мақсадимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ahmadovich H. H., Amrulloyevna S. D. XX ASR QISSACHILIGI TARAQQIYOTIDA FOLKLORNING LATIFA JANRI TA'SIRI //PEDAGOGS jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 302-304.
2. Ahmadovich H. H. Expression of Folklorisms in the Works of Ghafur Ghulam //European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630). – 2022. – Т. 14. – С. 101-105.
3. Ahmadovich H. H. et al. BOSHLANG ‘ICH SINFLARDA O ‘ZBEK QISSALARI TAHLILINING INNOVATSION USULLARI //PEDAGOGS jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 350-352.
4. Ahmadovich H. H. et al. O ‘RXUN-YENISEY BITIKLARIDA TALIM-TARBIYA TO ‘G ‘RISIDAGI FIKRLARNING YORITILISHI VA ULARNING TARBIYAVIY AHAMIYATI //PEDAGOGS jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 349-350.
5. Ahmadovich H. H. et al. IJODIY TOPSHIRIQLAR O ‘QUV MOTIVLARINI SHAKLLANTIRISHNING SAMARALI VOSITASI SIFATIDA //PEDAGOGS jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 293-294.

- 6.Ahmadovich H. H. et al. BOSHLANG ‘ICH TA’LIMDA O ‘ZLASHTIRISH JARAYONINING PSIXO-DIDAKTIK ASOSLARI //PEDAGOOGS jurnali. – 2022. – T. 1. – №. 1. – C. 332-334.
- 7.Ahmadovich H. H. et al. O ‘QUVCHILARNING BILUV FAOLLIGINI OSHIRISHGA QARATILGAN DARSDAN TASHQARI ISHLAR VA ULARNI TASHKIL ETISH METODIKASI //PEDAGOOGS jurnali. – 2022. – T. 1. – №. 1. – C. 343-345.
- 8.Ahtamovich H. H., Shixnazarovna J. A. O ‘QUVCHILAR O ‘ZLASHTIRISH DARAJALARINI TASHHISLASH //PEDAGOOGS jurnali. – 2022. – T. 1. – №. 1. – C. 306-309.
- 9.Ahmadovich H. H., Aminovna A. S. BOSHLANG ‘ICH SINF O ‘QISH DARSALARIDA DIDAKTIK O ‘YIN VA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH //PEDAGOOGS jurnali. – 2022. – T. 1. – №. 1. – C. 100-102.
- 10.Ahmadovich H. H., Amrulloyevna S. D. RUNN BITIKLARI AXLOQ VA VATANPARVARLIKNING YUFSAK NAMUNASI SIFATIDA //PEDAGOOGS jurnali. – 2022. – T. 1. – №. 1. – C. 248-250.
- 11.Ahmadovich K. H., Bahriiddinovna S. G. Development and practical application of acmeological technologies of student assessment diagnose //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – T. 11. – №. 6. – C. 141-145.
- 12.Ahmadovich K. H., Zokirovna Z. A. G. THE PROBLEM OF HUMAN EDUCATION AND MORALITY IN FOLKLORE //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – T. 25. – C. 133-137.
- 13.Ahmadovich K. H., Nodirkulovna A. I. Theory of Fairy Tales in Primary Grades, The Nature of the Fairy Tale Genre //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2022. – T. 3. – №. 7. – C. 130-133.
- 14.BuxDUPI H. A. H. et al. AKMEOLOGIYA VA UNING O’QUVCHILAR O’ZLASHTIRISHINI TASHXISLASHDAGI O’RNI //PEDAGOOGS jurnali. – 2022. – T. 1. – №. 1. – C. 415-417.
- 15.Хайтов Х. Адабиётда кулгидан фойдаланиш анъанасининг асослари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 3/S. – С. 49-52.
- 16.Хайтов Х. А. ЛЎЛИ НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЛАТИФАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Интернаука. – 2021. – №. 17-4. – С. 51-52.
- 17.Hayitov H. A. QUSHLARGA IBRAT-HAZRATI XIZR! //Интернаука. – 2020. – №. 12-3. – С. 72-73.
- 18.Khoja o’g’li T., Ahmadovich K. H. Advanced Characteristics of the Tradition of Using Uzbek Folk Humor Art in Written Literature //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2022. – Т. 3. – №. 9. – С. 1-4.

- 19.Khaitov H., Amonova S. ЎЗБЕК ХИКОЯ ВА ҚИССАЛАРИДА КУЛГИ МАДАНИЯТИНИНГ ИЛДИЗЛАРИ //Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 140-144.
- 20.Ahtamovich H. H., Shixnazarovna J. A. О ‘QUVCHILAR О ‘ZLASHTIRISH DARAJALARINI TASHHISLASH //PEDAGOGS jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 306-309.
- 21.Axmadovich X. X. et al. ENG QADIMGI MA’RIFIY YODGORLIKLARNI О ‘RGANISHNING AHAMIYATI //PEDAGOGS jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 281-285.
- 22.Ҳайитов X. А. ФАФУР ҒУЛОМНИНГ ХАЛҚ ЛАТИФАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 679-687.
- 23.Akhmadovich H. H. Khoja nasriddin afandi as people's hero //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 2. – С. 1562-1565.
- 24.Hayitov H. A. Literary influence and artistic image //Экономика и социум. – 2019. – №. 8. – С. 11-14.